



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 139 (12.952)

Баҳоси эркин нарҳда

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов тақлифига биноан мамлакатимизга расмий ташир билан келган Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модди Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида 7 июль куни Мустақиллик майдонида бўлди.

Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истикболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Ҳиндистон Бош вазири Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бунёд этилган бу монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, ҳалқимизнинг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини акс эттирувчи ноёб маъмура эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Президент Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Мустақиллик ва эзгулик монументи ўзининг теран ва кенг маъно-мазмунини билан ана шу тараққиётнинг юксак рамзи сифатида ҳар бир кишида катта таассурот уйғотади. Бу бетақдор обида тинчлик, эзгулик ва фаровонликни тарғиб қилишда, ҳалқингизнинг бунёдкорлик салоҳиятини намоён этишда ва буюк келажакка ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга, — деди Нарендра Модди.

Ҳиндистон халқи Ўзбекистонга, ҳалқимизга ҳамиша юксак эҳтиром билан қараб келади. 1966 йилнинг январда ўша пайтда Ҳиндистон Бош вазири бўлган Лал Бахадур Шастри Тошкентга келган. Пойтахтимизда Шастри номидида Ҳиндистон маданияти маркази ва ҳинд тилини ўрганишга иқтисодлашган умумтаълим мактаби фаолият кўрсатмоқда.

Олий мартабали меҳмон Тошкентнинг Шастри майдонидаги Лал Бахадур Шастри ҳайкали пойига гул қўйди.

Нарендра Модди Ўзбекистонда Шастри хотирасига бунёд этилган ёдгорлик мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик муносабатларининг ифодаси эканлигини қайд этди.

Шу билан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моддининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташири ниятига етди. Ҳиндистон Бош вазири Ўзбекистонга ташири фойда самарали бўлганини алоҳида таъкидлади.

(ЎзА)



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ОТАЛАР ЧОЙХОНАСИ — МАЪРИФАТ МАСКАНИ



— Энди кўчани таъмирлаш масаласини муҳокама қилиб олсак, — деди маҳалла оқсоқоли Мирвоҳид ака.

Жўра ака билан Бахтиёр домла ҳам шахматни бир четга суриб, суҳбатга қўшилди.

— Шукрки, маҳалламизда барча ўзига тўқ, — гапини давом эттирди оқсоқол. — Хар оилада йўқ деганда биттадан машина бор. Бунинг кўриб, кўз қувнайди. Аммо баъзи кўчаларда баҳор ёмғиридан пайдо бўлган чуқурлар маҳалламизнинг кўркини бузмокда. Машина ҳайдовчиларга ҳам, йўловчиларга ҳам турли ноқулайликлар туғдираётир. Гапнинг

дангалини айтганда, бироз маблаг йиғиб, асфальт келтирсак, сўнг хашар қилиб, кўчаларни таъмирласак нима дейсизлар?

Йиғилганлар «Маъқул, топиб айтидингиз», дея бош силкишти.

— Кўча ва йўл бўйларига райхон, жамбил эктирсак, янаям соз бўларди, — деди Хайруллахўжа ота. — Боннинг кўрки гул билан-да.

Олмасор туманидаги Гурӯҳарик маҳалласида жойлашган оталар чойхонасида ҳар куни мана шундай кўтаринки кайфият ҳукмрон. Бу ерда отахонлар йиғилиб, бир пиёла чой устида маҳалла ҳаёти, оила-лардаги баъзи масалаларни ҳал

қилиш юзасидан фикр алмашади, ўзаро маслаҳатлашади.

Дарҳақиқат, чойхона азалдан халқимизнинг ўзига хос қадриятлари, урф-одатлари, маданиятини намоён этадиган маскан ҳисобланган. Унда маҳалла аҳли йиғилиб, дўстона суҳбатлар қурилади. Бу эзгу анъана бугунги кунда янгича маъно-мазмун касб этган.

— Собик тузум даврида ошхонаю чойхоналарга паст назар билан қараларди, — дейди «Гуруҳарик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирвоҳид Маъруфов. — Болалигимизда маҳалламизда битта чойхона бўларди. Буниси ҳам майли, у пайтларда овқатланиш учун зарур бўлган идиш-товуқ тақчил, хизмат кўрсатиш сифати паст эди. Утган асрнинг саксонинчи йилларида чойхона ва ошхоналарда ҳар саккиз ҳўрандаги биттадан чойнак тўғри келгани ўша давр матбуотида ачинаш билан таъкидланган. Бугун замонавий жиҳозланган кўркам чойхоналар — маданий ҳордиқ чиқарувчи, шу билан бирга, биз каби кексаларни янада яқинлаштирувчи файзли масканга айланди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти

ИННОВАЦИЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Пойтахтимизда VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш, инновацияларни лойиҳаларни ҳаётга татиқ этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўлмали ишлар иқтисодиётимизнинг таркибий ўзгариш ва изчил янгилашга хизмат қилмокда.

Бунинг Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарорига мувофиқ анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида намойиш этилаётган ишланмалар салмоғи йилдан-йилга ортиб бораётганида аққол кўриш мумкин.

Жорий йилнинг 19-21 май кунлари бўлиб ўтган VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг юздан зиёд илмий ва таълим муассасалари, илмий-тадқиқот ва таъриба-конструкторлик ташкилотлари, иктидорчилар ва хусусий корхоналар томонидан тақдим этилган 600 дан ортиқ илмий-амалий ишланманинг 400 га яқини илк бор намойиш этилди.

Ярмаркада энг кўп ишланмалар саноат ва қишлоқ ҳўжалиги йўналишларида қайд этилди. Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари соҳалари бўйича лойиҳалар салмоғи юқори бўлди. Кўرғазма жадал ривожланган энергия ва ресурстежамокор технологиялар, юқори технологиялар тармоқларида ҳам янги ишланмалар тобора ортаётганини кўрсатди.

Ишланмалар орасида саноат соҳасида электр энергия сарфини 20-30 фоиз тежаш имконини берадиган асинхрон электр узатмани бошқариш учун мўлжалланган энергия тежовчи частота

ўзгартиргич, енгил саноат корхоналарида трикотаж маҳсулотларини бўяшда қўлланиладиган янги буюқ композициялари каби қўллаб-қувватлаш лойиҳалари ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш учун тавсия қилинди.

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни илмий тадқиқот фаолиятига кенг жалб этиш, уларнинг замонавий техника ва технологияларга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий тафаккур ва яратувчилик салоҳиятини ривожлантиришга кўрсатилаётган эътибор ўз самарасини бермокда.

Ярмаркада ёш олимлар, талабалар ва «Ёшларнинг инновацион ғоялари» республика кўрик-танлови ғолибларининг 70 ишланмаси намойиш этилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети талабаларининг «Ақлли уй» ва «Ақлли қўёш панеллари», Тошкентдаги Турин политехника институтини талабаларининг электромобиль ва робот-техника соҳасидаги ишланмалари, Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг «Картошка экиш учун туپроқнинг қайта тайёрлаш комбинацияланган ускунаси» сингари ишланмалари ёшларимизнинг салоҳиятини кўрсатиб берди.

Ярмарка доирасида биринчи мартаба Тошкент халқаро инновацион форуми ўтказилиб, унда АҚШ, Германия, Италия, Франция, Япония, Греция, Польша, Россия каби давлатлар, қатор халқаро ташкилотлар ва қишлоқ иштирок этди. Унда илмий ва технологик паркларни қўллаб-қувватлаш, корхоналарни бошқаришнинг инновацион ёндашуви, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, ёшларнинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлашда ривожланган давлатлар таърибаси, инновацион иқтисодиёт учун кадрларни тайёрлаш сингари мавзуларда қишлоқлар қилинди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар атофлича жавоб қайтарди.

(ЎзА)

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг баҳосига кўра, Ўзбекистон бугунги кунда бизнес юртишни енгиллаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар бўйича етакчи ўнта мамлакатдан биридир.

БИЗНЕС ЮРИТИШ УЧУН БАРЧА ҚУЛАЙЛИК МАВЖУД

Бу бежиз эмас, албатта. Мамлакатимизда бизнес юртиш учун ишбилармонларга барча қулайлик яратилган. Асосийси, юртимизда тадбиркорликка бел боғлаган инсон тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиши учун кўпи билан икки иш куни кетади, холос. Бунинг учун тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш инспекциясига шахсингиз ва фаолиятингиз билан боғлиқ зарур маълумотларни тақдим этасиз. Ёки интерфакс давлат хизматлари Ягона порталига интеграция қилинган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш тизими орқали шахсингиз, фаолиятингизга оид зарур маълумотлар талаб қилинган саҳифани тўлдириб, уни электрон рақамли имзо билан тасдиқлайсиз. Қарабсизки, сизга интернет орқали тадбиркор сифатида фаолият бошлаш ҳуқуқини берувчи ғувоҳнома келади ва сиз тадбиркорга айланасиз.

— Давлатимиз раҳбарининг шу йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони билан бу жараёнинг янада тезкор ишлаши учун шароит яратилмокда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Шокир Саидов. — Ягона порталга интеграция қилинган тадбиркорлик субъектларини

давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш тизими автоматик равишда, яъни суткасига йиғирма тўрт соат давомида узлуксиз ишлаш режимида ўтади.

Маъмур фармон асосида турли идоралар қошида фаолият қўртаётган, алоҳида давлат хизматлари кўрсатётган «бир дарча» хизматлари ўрнига туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳўзуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизда «бир дарча» тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш Ягона марказлари ташкил этилмокда. Бу давлат хизматларидан фойдаланишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиб, очкилик ва шаффофликни таъминлайди.

Бундан ўн йил муқаддам кичик корхонани рўйхатдан ўтказиш учун ўнга яқин идорага мурожаат қилиш ва қирқга яқин ҳўжатни тақдим этиш талаб қилинар эди. Тадбиркор хали иш бошламасдан туриб ҳўжатларни тайёрлаш ва уларни рўйхатдан ўтказишдан бошлаб қанча вақт йўқотишга, сарф-харажатлар қилишга мажбур бўларди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, айниқса, янги иш бошлаётган тадбиркорларга ҳар томонлама қулайлик яратишга қаратилаётган эътибор соҳанинг изчил ривожланишига кенг йўл очмокда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни тайёрлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига услубий ҳамда ахборот маслаҳати кўрсатиш, уларнинг давлат гранти танловлари тўғрисидаги хабардорлигини оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Бухоро вилояти Когон шаҳрида 64 хонадонга мўлжалланган тўрт қаватли «Қамолот» уйи фойдаланишга топширилди. «Қамолот» уйи «Марсианин плюс» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилди. Маросимда ёш оилаларга икки ва уч хонали уйларнинг калити топширилди.

● Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги Ширинқўнғирот қишлоғида тадбиркор Озод Ғойпов томонидан «Азимбой Озод» хусусий корхонаси фаолияти йўлга қўйилиб, «Микрокредитбанк»нинг вилоят филиалидан олинган 100 миллион сўмлик кредит маблағи эвазига сут заводи бунёд этилди. Олти нафар қишлоқ йигит-қизлари иш билан таъминланган корхонада етти турдаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмокда.

● Жиззах давлат педагогика институтида «Муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни тайёрлашда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига услубий ҳамда ахборот-маслаҳатлар кўрсатиш, уларни давлат гранти танловлари тўғрисидаги хабардорлигини ошириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

● Наманганда синхрон сузиш бўйича 1997-2002 йилларда туғилган қизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон очик чемпионатида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимиз вилоятларидан жамомалар иштирок этишди.

ЖАҲОНДА

● Туркия ва Греция ўртасидаги Эгей денгизида муҳожирларни ташиётган кема чўкиб кетди. Камида 17 нафар киши ҳозиргача топилгани йўқ. Греция денгиз транспорти вазирлиги маълумотларига кўра, олиб борилган амалиётлар чоғида 16 киши қутқарилган. Мамлакатнинг Фармакониси ва Агатонисион ороллари ораллигида кема чўка бошлаганда унда 37 нафар муҳожир ҳамда экипаж аъзолари бўлган.

● Reputation Institute халқаро консалтинг компанияси тузган рейтингга кўра, Samsung Electronics АҚШда энг кўп сурмат қилинадиган техноконик компания деб топилди. Ўтган йилги рейтингда бор-йўғи 8-ўринни эгаллаган бўлса-да, ўзининг оммабоп маҳсулотлари ва хизматлари эвазига Жанубий Корея корпорацияси янги рейтингда Microsoft, Google ва Intel каби Америка гигантларини ортда қолдиришга муваффақ бўлди.

● Turkish Airlines самолёти портлаш таҳдиди сабабли Ҳиндистоннинг пойтахти Нью-Дехлига қутилмаганда қўнди. Манбаларнинг маълум қилишича, самолёт Истанбул — Бангкок йўналиши бўйича учаётган эди. Унда 148 нафар йўловчи бўлган. Индира Ганди аэропортида самолётни Ҳиндистоннинг миллий хавфсизлик гвардияси ва ўт ўчириш хизмати ходимлари қутиб олди.



Отабек Мирзоёв олган суратлар

Ҳамкорлик ришталари КЎЗЛАРГА НУР БАХШ ЭТАЁТГАНЛАР

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ахборот технологиялари, тоғ-кон саноати, энергетика, тўқимачилик, фармацевтика ва бошқа соҳаларда самарали ҳамкорлик қилинаётир.

Икки мамлакат ўртасида бошқа соҳалар қатори соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ўзаро алоқаларнинг муҳим йўналишларидандир. Ўзбекистон ва Ҳиндистон шифокорлари турли лойиҳалар, илмий тадқиқотлар устида ҳамкорликда иш олиб бормоқда, икки мамлакатда ўтаётган жарроҳлик операцияларида қатнашмоқда. Тиббиёт йўналишида мутахассислар

ўртасида фаол тажриба ва ахборот алмашинуви йўлга қўйилгани бу борадаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни тобора мустаҳкамламоқда.

Тошкентда Ҳиндистонлик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган «Orion Medicity» офтальмология маркази мамлакатларимиз ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида изчил ривожланиб бораётган ҳамкорликка ёрқин мисол бўла олади. Ўз фаолиятини 2011 йилда бошлаган ушбу тиббиёт муассасаси барча турдаги кўз касалликларини даволашга ихтисослашган.

Маълумки, офтальмологияда кўзи микроскоп усулида кўриш ва даволаш амалиёти яратилиши натижасида илгари даволаш имкони бўлмаган кўлаб хасталикларни даволашга

эришилмоқда. «Orion Medicity» соғлиқни сақлаш марказида аҳолига юксак технологиялар воситасида тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Замонавий андозалар даражасида барпо этилган марказда стационар, жарроҳлик, лаборатория ва стерилизация каби қатор бўлимлар мавжуд.

Ушбу тиббиёт муассасасида кўз касалликларини эрта аниқлаш ва самарали даволаш борасида тараққий этган мамлакатларда қўлланилаётган юксак технологиялар амалиётга кенг татбиқ этилмоқда. Жумладан, катаракта, миопия касаллигини даволашда қўлланилаётган лазер жарроҳлиги усули, глаукома ва неоваскуляр глаукома шунинг даволашда қўлланилаётган кенколлаган дренаж имплантацияси, шисасимон тана ва

Ўзбекистон дунёнинг кўплаб давлатлари, жумладан, Ҳиндистон Республикаси билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантириб келмоқда. Доимий мулоқотлар ва муштарак интилишлар тўғрисида мамлакатларимиз ўртасида қарор топган ўзаро ҳурмат ва ишонч, яқин стратегик ҳамкорликка асосланган муносабатлар янги амалий мазмун билан бойиб бораётир.

тўр парданинг оғир хасталикларини даволашда қўлланилаётган витреоретинал жарроҳлик амалиётлари бунга мисолдир.

Ўзбекистонда хорижий сармоядорларнинг ҳар соҳада фаол ва самарали иш юритиши учун кенг имкониятлар ва имтиёзлар яратилган, — деди ЎзА муҳбирига «Orion Medicity» клиникаси раҳбари Бабулал Баҳадур. — «Orion Medicity» каби тиббиёт соҳасида фаолият юритаётган муассасалар учун солиқ, бож тўлови ва бошқа йўналишларда қўлай имтиёзлар тизими жорий этилган. Бу соғлиқни сақлаш ташкилотларининг фаолиятини ривожлантиришда, техник базасини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Яратилган қўлай имкониятлар бизни фаол ҳамкорликка қизиқтиришни оширмоқда. Яқин келажақда ўз фаолиятимизни янада кенгайтириб, муассасамиз таркибиде кўптармоқли диагностика маркази ташкил этиш ниятидамыз.

Клиника аҳолига юксак сифатли кардиология ва лаборатория хизматлари ҳам кўрсатади. Марказ мазкур йўналишларда беморларга аниқ ташхис қўйишга ва уларни даволашга мўлжалланган Германия ва Япониядан келтирилган энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

«Orion Medicity» Тошкент тиббиёт академияси клиникиси, Республика травматология ва ортопедия илмий текшириш институти, Онкология илмий маркази ҳамда Ихтисослашти-

рилган урология маркази каби қатор тиббиёт муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. «Orion Medicity» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан тузилган ҳамкорликка оид битимга мувофиқ Ҳиндистондан соҳанинг етук мутахассисларини тақлиф этган ҳолда беморларга бепул маслаҳат бериш билан ҳам шуғулланади. Улар иштирокида кўплаб конференциялар ва семинарлар, маҳорат дарслари ташкил этилмоқда. Шу билан бир қаторда «Orion Medicity» томонидан кўплаб ўзбекистонлик шифокорлар Ҳиндистоннинг «Medanta The Medicity» соғлиқни сақлаш муассасасига малака оширишга юборилмоқда.

Клиникада элликдан ортиқ малакали мутахассис фаолият юритади. Ушбу муассаса мамлакатимиздаги тиббиёт касбхунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш жараёнида фаол иштирок этаётган.

Тиббиёт марказида Кексаларни эъзозлаш йилида қариялар учун қатор имтиёзлар, даволаш нархларида чегирмалар таъсис этилган. Уруш фахрийлари бу ерда бепул даволанмоқда.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар бундан буён ҳам барча соҳаларда ўзаро ишонч, ҳурмат, тенглик ва манфаатдорлик, стратегик шериклик тамойиллари асосида изчил ривожланиб, халқларимиз манфаатларига хизмат қилаверади.

Ирода УМАРОВА

БОЛАЛАР СОҒЛИҒИНИ АСРАШДАГИ ҲАМКОРЛИК

«Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси фаолиятида тиббиёт масканлари, Меҳрибонлик уйлариининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ота-она қарамоғисиз қолган ва имконияти чекланган болаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш доимий эътиборда.

Жамғарма юртимиз ҳамда қатор давлатлардаги клиникалар мутахассислари билан биргаликда мазкур соҳада ҳамкорлик ўрнатилган алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамғарма тақлифига биноан келган Франциянинг «Умид ришталари» шифокорлар уюшмаси аъзолари тиббий текширув, маслаҳат ва жарроҳлик муолажаларини бажаришдан иборат хайрия акциясида иштирок этиш учун академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази фаолияти билан танишди.

Франциялик шифокорлар кам таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашув марказидаги имконияти чекланган болаларни қўриқдан ўтказиб, уларга тиббий маслаҳат берди. Қўриқдан ўтган болаларнинг соғлиғини инobatга олган ҳолда зарур ҳолларда жарроҳлик муолажасини амалга оширди.

Уюшма вакиллари ҳамда юртимиз шифокорлари иштирокида семинар-тренинглар бўлиб ўтди.

(ЎзА)

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР УЧУН МАРОҚЛИ ҲОРДИК

Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида таълим олувчи ёшлар учун бир қатор имтиёзлар яратилган. Хусусан, ёзги таътил дастури асосида хоҳловчилар Жанубий Кореядаги Инҳа Университетига боришлари мумкин.

Энг фаол ва иқтидорли талабаларнинг барча харажатлари университет томонидан қопланади. 2015 йилнинг 27 июлидан 14 августигача давом этадиган ёзги дастур давомида ўзбекистонлик талабалар хорижий тенгдошлари билан учрашиб, тажриба алмашиш мақсадида турли тақдимотлар ўтказишади. Дастур сўнггида қатнашчиларга сертификат берилади.

Айтиш жоизки, Жанубий Кореядаги Инҳа университети 2004 йилдан бошлаб ҳар йили бутун дунёдан энг иқтидорли талабаларни қабул қилади. Ёзги мактаб дастуридан корейс халқининг ўтмиши, бугуни ва келажаги тўғрисида маълумот бериш, корейс тили ва маданияти, тарихий обидалари, бетакрор табиати, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида эришаётган ютуқлари билан яқиндан танишиш каби тадбирлар ўрин олган.

«Туркистон-пресс»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Юридик ва жисмоний шахсларга Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонаси, шунингдек, унинг қўйи тизимидаги ҳодимларининг давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида, улар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора қўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатларининг поймол бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бошқарма ва қорхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21
Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти.

ЭКОЛОГИК ЛОЙИҲАЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЯДИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги «Гулистон» маҳалласида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва жойларда жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда аҳолининг фаоллигини кучайтириш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланган семинар ўтказилди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнида табиатдан оқилона фойдаланишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилгани экологик муҳит мусоффолигини таъминлаш ва жамиятимизни барқарор ривожлантиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

«Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни асосида экологик назорат юритишнинг тартиб-тамоийллари янада такомиллашди. Хусусан, бу

йўналишда давлат, идоравий, ишлаб чиқариш назорати билан бир қаторда жамоатчилик назорати юритиш тизими яратилди. Бундан кўзланган мақсад экологик лойиҳаларда кенг аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш, табиатни муҳофазалаш вазифасини ҳар бир инсоннинг кундалик фаолиятига айлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодин миллий қадриятларнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялашдир.

— Экологик барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш маҳаллалар фа-

олиятининг устувор йўналишини ташкил этади, — дейди «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эргаш Юсупов. — Маҳаллаларимизда бу йўналишда махсус жамоатчилик комиссиялари фаолият юритмоқда. Амалий ишлар билан бир қаторда халқимизнинг табиатни асраш, унинг неъматларидан оқилона фойдаланишга йўналтирилган миллий қадриятлари бардавомлигини таъминлаш доимий эътиборимизда. Ушбу йўналишда таълим масканлари ва аҳоли ўртасида турли маънавий-маърифий, экологик тадбирлар ташкил этилмоқда. Янги қонунда бу йўналишдаги лойиҳаларни янада кенгайтириш билан боғлиқ устувор вазифалар белгиланган.

Семинарда мамлакатимиз экологик қонунчилигининг ўзига хос жиҳатлари, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, экологик назорат жамоатчи инспекторлари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий механизмларига оид мавзуларда маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА муҳбири

Қарор ва ижро

МАҲАЛЛАДА ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ КЎРИК ЎТКАЗИЛДИ

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, турли касалликларнинг олдини олиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, ана шу мақсадларда жойларда аҳоли тез-тез тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида» ҳамда 2015 йил 18 февралдаги «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Олмасор туманидаги «Ғалаба» маҳалласида жойлашган 242-умумтаълим мактабиде ана шундай жирий тадбир ташкил этилди. Шу кун Олмасор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 15-оилавий поликлиника ҳодимлари ҳамда Тошкент шаҳри ва Олмасор туман «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Тиббий-ижтимоий маркази ҳодимлари ҳамкорлигида асосан ёши улуг кексалар, яққа-ёлғиз яшовчилар, уруш ва меҳнат фахрийлари, туғиш ёшидаги аёллар, ҳомиладорлар, ўсмирлар ва болалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

15-оилавий поликлиника шифокорлари Н.Мадаминаева, М.Хидирова, У.Асадова, Н.Ҳамидходжаева, С.Эшонкулов, Т.Эшмуродова, Л.Алимова, Э.Исломова, Б.Утенов, шунингдек, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Олмасор туман бўлими Тиббий-

ижтимоий марказининг бир нечта мутахассислари иштирокида ташкил этилган кўриқка «Ғалаба» маҳалласининг жами 3648 нафар аҳолиси қамраб олинди.

Тиббий кўриқ давомида аниқланган касалликлар билан оғриган кишиларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларга мутахассислар томонидан этиопатогенетик даволаш усуллари тайинланди. Марказ ҳодимлари томонидан беморларга касаликка тааллуқли доридармон воситалари бепул тарқатилди. Эҳтиёжманд ва ётуғли беморлар хонадонларига 15-оилавий поликлиника шифокорлари билан биргаликда тиббий-ижтимоий патронаж уюштирилиб, инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Шу билан бирга аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи ва репродуктив саломатлиқни шакллантириш, замонавий контрацепция усулларида тўғри фойдаланиш, туғруқлар оралигини сақлашнинг аҳамияти, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари мавзуларида семинар-тренинглар ўтказилди, тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди ва аҳолига соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга тааллуқли буклетлар тарқатилди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

Шайхонтоҳур туманидаги «Жантоҳ» маҳалласи ҳудудидаги «Қамолот» боғида «Ёзни «Қамолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Ёш рассомлар» тўғрисидаги фаолият олиб бормоқда.

«Ёзни «Қамолот» билан!»

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ҚИЛИШДИ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ушбу боғда ташкил этилган тадбирда 30 нафар маҳаллада истиқомат қилувчи болаларга соҳа мутахассислари — Қамолотдан Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтининг бир гуруҳ талабалари томонидан маҳорат дарслари ўтказилди. Маҳалла болалари «Ёз ўтмоқда соз!», «Маф-тункор юртим», «Гўзал пойтахтим», «Беғубор болалик» мавзуларида ўзига хос расмлар чиздилди.

Маҳорат дарслари давомида институтнинг бир гуруҳ талабалари болажонларга расм чизиш техникаси, ранглар билан ишлаш, мавзунинг ёритишда қандай жиҳатларга эътибор бериш муҳимлиги тўғрисида тушунчалар беришди.

Мамлакатимизда истеъдодли ўғил-қизлар вояга етаётгани, уларнинг ўз маҳоратларини намойён этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилганини таъкидлаш жоиз. Муниса Ходжаева, Жаҳоҳир Абдуллажонов, Абдулазиз Одиловлар тадбирда фаол иштирок этиб, ушбу

истеъдод эгаларининг расмлари юқори баҳоланди.

— Ўсиб келаётган ёш авлодин халқимиз, миллимиз, миллий қадриятларимиз, Ота ватанга ҳурмат руҳида ва садоқатли қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳар томонлама маънавий баркамол шахс бўлиб етишларида бу каби тадбирларнинг ўрни бекиёс деб ҳисоблайман, — дейди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши раиси ўринбосари, «Қамалак» болалар ташкилотини раиси Насиба Вайсова. — Маҳаллада ташкил этилган ушбу тадбир давлатимиз томонидан ёшларга яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш, уларнинг дунёқарашини ва фикрлаш доирасини кенгайтириш, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, миллий фахр туйғусини уйғотиш ҳамда маҳаллалардаги уюшмаган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, иқтидор ва истеъдодларини юзага чиқаришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Зарина РУСТАМОВА

